Тошкент оқшоми

2015 ЙИЛ 23 ФЕВРАЛЬ, ДУШАНБА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 47 (12.860)

Баҳоси эркин нархда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФУҚАРОЛАРИ – 1941-1945 ЙИЛЛАРДАГИ УРУШ ВА МЕҲНАТ ФРОНТИ ФАХРИЙЛАРИНИ «ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИДАГИ ҒАЛАБАНИНГ 70 ЙИЛЛИГИ» ЭСДАЛИК ЮБИЛЕЙ МЕДАЛИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

2015 йил 9 майда умумхалқ байрами – Хотира ва қадрлаш куни ўтказилиши, шунингдек, Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 70 йиллиги байрам қилиниши муносабати билан фашизм устидан қозонилган Ғалабага бебаҳо ҳисса қўшган Ўзбекистон фуқаролари – 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларини муносиб равишда ва иззат-икром билан шарафлаш мақсадида:

1. 1941-1945 йиллардаги Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 70 йиллиги шарафига «Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 70 йиллиги» эсдалик юбилей медали таъсис этилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, «Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 70 йиллиги» эсдалик юбилей медали билан Ўзбекистон Республикаси фуқаролари – «1941-1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушида Германия устидан қозонилган ғалаба учун» ва «Япония устидан қозонилган ғалаба учун» медаллари билан, уруш йилларида жанговар хизматлари учун олинган бошқа орден ва медаллар билан мукофотланган ёки уруш қатнашчиси гувоҳномасига ёхуд Ватан уруши ногирони гувоҳномаларига эга бўлган Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронлари, шунингдек, Иккинчи жаҳон уруши йилларида фидокорона меҳнати учун мукофотланган, шу жумладан, «1941-1945 йиллар Улуғ Ватан урушидаги шавкатли меҳнати учун», «Меҳнатдаги жасорати учун», «Меҳнатда ўрнак кўрсатганлиги учун» медалларига ёки 1941-1945 йиллардаги уруш даврида қуролли кучларда фуқаро шахсларни эркин ёллаш бўйича штат лавозимида бўлганлик тўғрисидаги гувоҳномага эга бўлган меҳнат фронти қатнашчилари мукофотланадилар.

3. «Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 70 йиллиги» эсдалик юбилей медали тўғрисидаги Низом ва унинг тавсифи 1- ва 2-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги ҳузуридаги Пенсия жамғармаси билан биргаликда икки ҳафта муддатда «Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 70 йиллиги» эсдалик юбилей медали билан мукофотланиши лозим бўлган 1941-1945 йиллардаги уруш фахрийлари ва ногиронларининг, меҳнат фронти қатнашчиларининг аниқ рўйхатини тузиб, Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

Марказий банк ва «Давлат белгиси» давлат-ишлаб чиқариш бирлашмаси билан биргаликда бир ой муддатда «Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 70 йиллиги» эсдалик юбилей медаллари ва уларнинг гувоҳномалари бланклари белгиланган тартибда тайёрланишини таъминласин;

2015 йилнинг 1 мартига қадар Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 70 йиллиги мамлакатимизда кенг байрам қилинишига бағишланган тадбирлар дастурини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин, унда 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларини «Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 70 йиллиги» эсдалик юбилей медаллари билан тантанали ва байрамона вазиятда мукофотлаш чора-тадбирлари кўзда тутилсин.

6. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2015 йил 19 февраль

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2015 йил 19 февралдаги ПФ-4704-сонли
Фармонига 1-илова

«ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИДАГИ ҒАЛАБАНИНГ 70 ЙИЛЛИГИ» ЭСДАЛИК ЮБИЛЕЙ МЕДАЛИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМ

1. «Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 70 йиллиги» эсдалик юбилей медали билан Ўзбекистон Республикаси фуқаролари – «1941-1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушида Германия устидан қозонилган ғалаба учун» ва «Япония устидан қозонилган ғалаба учун» медаллари билан, уруш йилларида жанговар хизматлари учун олинган бошқа орден ва медаллар билан мукофотланган ёки уруш қатнашчиси гувоҳномасига ёхуд Ватан уруши ногирони гувоҳномаларига эга бўлган Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронлари, шунингдек, Иккинчи жаҳон уруши йилларида фидокорона меҳнати учун мукофотланган, шу жумладан, «1941-1945 йиллар Улуғ Ватан урушидаги шавкатли меҳнати учун», «Меҳнатдаги жасорати учун», «Меҳнатда ўрнак кўрсатганлиги учун» медалларига ёки 1941-1945 йиллардаги уруш даврида қуролли кучларда фуқаро шахсларни эркин ёллаш бўйича штат лавозимида бўлганлик тўғрисидаги гувоҳномага эга бўлган меҳнат фронти қатнашчилари мукофотланадилар.

2. «Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 70 йиллиги» эсдалик юбилей медалини топшириш Ўзбекистон Республикаси Президенти номидан – Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири, Миллий хавфсизлик хизмати раиси, ички ишлар вазири, Давлат божхона қўмитаси раиси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси, вилоятлар, шаҳарлар ва туманларнинг ҳокимлари томонидан маҳаллий ҳарбий бошқарма органларининг, уруш ва меҳнат фахрийлари кенгашларининг иштирокида тантанали вазиятда амалга оширилади.

Мукофотланганларга эсдалик юбилей медали билан бирга белгиланган шаклдаги гувоҳнома топширилади.

3. «Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 70 йиллиги» эсдалик юбилей медали кўкракнинг чап томонига тақилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2015 йил 19 февралдаги ПФ-4704-сонли
Фармонига 2-илова

«ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИДАГИ ҒАЛАБАНИНГ 70 ЙИЛЛИГИ» ЭСДАЛИК ЮБИЛЕЙ МЕДАЛИНИНГ ТАВСИФИ



«Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 70 йиллиги» эсдалик юбилей медали 0,25 микронгача қалинликдаги олтин қопланган мис қотишмасидан тайёрланади ва диаметри 32 миллиметрли доира шаклида бўлади.

Эсдалик юбилей медалининг ўнг томонида таралаётган қуёш нурлари фонида «Хотира майдони» ёдгорлик комплексидаги Мангу олов ёнида «Мотамсаро Она» монументи тасвирланган. Монументнинг чап ва ўнг томонларида 1945 ва 2015 рақамлари ёзилган бўлиб, улар Иккинчи жаҳон уруши тугаган йил ва юбилей йилини англатади.

Эсдалик юбилей медалининг орқа томонида «Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 70 йиллиги» сўзлари ёзилган. Ёзув дафна чамбари билан ўралган бўлиб, унинг новдалари пастда саккиз қиррали юлдуз билан туташган.

Тасвирлар ва ёзувлар қабариқдир.

Эсдалик юбилей медалининг қирралари доира билан ҳошияланган.

Эсдалик юбилей медали ҳалқачалар ёрдамида беш бурчакли колодка билан туташтирилади, унинг устки қисми Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи рангларидаги эни 24 миллиметрли шойи лента билан ўралган. Кўк, оқ ва яшил полосаларнинг эни 7 миллиметрдан, қизил полосаларнинг эни эса 1,5 миллиметрдан. Колодканинг баландлиги 48 миллиметр, эни 45 миллиметр. Тўғноғич ёрдамида қадалади.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ДЕПУТАТЛАР ЯНГИ ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИНИ КЎРИБ ЧИҚДИЛАР

Хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Қонунчилик палатаси Кенгаши томонидан таклиф этилган кун тартиби тасдиқланганидан сўнг депутатлар жамият ҳаётининг турли соҳаларидаги ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга қаратилган бир қатор янги қонун лойиҳаларини биринчи ўқишда кўриб чиқдилар. Бундан олдин сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳининг мажлислари бўлиб ўтди. Ушбу мажлисларда кун тартибига киритиладиган масалалар дастлабки тарзда кўриб чиқилди. Қонун лойиҳаларини ҳар томонлама муҳокама этиш якунларига кўра, уларни янада такомиллаштиришга қаратилган таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Депутатлар ўз ишларини **«Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси**ни муҳокама этишдан бошладилар. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги маърузасида корпоратив бошқарув тизимини ривожлантириш муҳимлигини таъкидлаб, акциядорлар ва, аввало, акцияларнинг миноритар эгалари амалиётнинг кўрсатишича, ўз ҳуқуқларидан тўлиқ фойдаланмаётганлигини, жамиятлар фаолиятига таъсир кўрсатмаётганлигини қайд этган эди.

Ҳужжат Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан тасдиқланган 2014-2015 йилларда инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада яхшилашга, тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш самарадорлигини оширишга доир қўшимча чоратадбирлар дастурига мувофиқ тайёрланди. Ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилиниши акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарувни самарали шакллантириш ва фаол ривожлантиришга ҳамда жамият миноритар акциядорларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлашга хизмат қилади.

(Давоми 2-бетда)

Сайлов – 2015

САЙЛОВ ЖАРАЁНИНИ ЁРИТИШДА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИНГ РОЛИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ёритиш бўйича Республика матбуот марказида журналистлар учун Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ёритишда оммавий ахборот воситалари иштирокининг долзарб масалаларига бағишланган онлайн-семинар бўлиб ўтди.

Тадбир оммавий ахборот воситалари вакилларининг миллий сайлов қонунчилигимизга оид ҳуқуқий билимларини янада ошириш, сайлов жараёнини тезкор ва холис ёритишда журналистлар иштироки билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилиш мақсадида ташкил этилди.

Семинарда Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси аъзолари, миллий экспертлар, давлат ва нодавлат оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди. Мамлакатимиз ҳудудлари билан видео алоқа орқали семинар мавзуларини онлайн режимида муҳокама қилишда ҳудудий матбуот марказлари ходимлари ва ҳудудий оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳам қатнашди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов шу йилнинг 29 март куни бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик, ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришда катта аҳамиятга эга муҳим сиёсий воқеа эканини таъкидлади. Мамлакатимизда демократик сайловларни ташкил этиш яширин овоз беришга асосланган бўлиб, қолган барча жараёнлар очиқ, ошкора ва транспарентлик асосида ўтказилади.

«Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги қонунга мувофиқ, сайлов комиссиялари фуқароларга сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ўз фаолияти, сайлов комиссиялари тузилгани, улар жойлашган манзил ва иш вақти ҳақида маълум қилади, сайловчилар рўйхати, сайловда иштирок этаётган сиёсий партиялар рўйхати билан таништиради, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар тўғрисидаги маълумотлар билан таништириб, овоз бериш ва сайлов якунларидан хабардор қилади.

Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир барча тадбирларда, шунингдек, ҳар бир сайлов участкасида сайлов куни овоз бериш хоналарида ва овозларни санаб чиқишда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар кўрсатган сиёсий партиялардан кузатувчилар, журналистлар, хорижий давлатлар, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатлардан кузатувчилар қатнашиш ҳуқуқига эга.

Сайлов жараёнининг очиқ ва ошкоралигини таъминлашда оммавий ахборот воситалари муҳим ўрин тутади. Тадбирда Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари сайлов жараёнида фаол иштирок этаётгани қайд этилди. Сайлов комиссияларининг барча тадбирлари журналистлар иштирокида ўтказилмоқда. Мавзуга оид телекўрсатув ва радиоэшиттиришлар мунтазам эфирга узатилмоқда, сайловчиларга сайлов жараёни босқичларини тушунтирадиган роликлар намойиш этилмоқда. Сайлов кампанияси босма ва интернет-нашрларда ҳам кенг ёритилмоқда.

Семинар қатнашчилари Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг сайловолди ташвиқоти қизғин паллага кирган шу кунларда оммавий ахборот воситаларининг аҳамияти янада ортиб бораётганини таъкидлади. Сайлов қонунчилигига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга сайловолди ташвиқотини ўтказишда оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда тенг ҳуқуқ берилган.

Тадбирда оммавий ахборот воситалари сайлов жараёнининг барча тадбирларини ва Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг сайловчилар билан учрашувларини ёритишда қонунчиликка, холислик, бетарафлик ва адолатлилик принципларига қатъий риоя этиши зарурлиги таъкидлаб ўтилди.

Семинарда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишнинг ҳуқуқий асослари, очиқлик ва ошкоралик принципларини очиб берадиган, сайлов кампаниясининг барча босқичлари ҳақида жамоатчиликни хабардор қилишга доир маърузалар тингланди.

Ўзаро мулоқот ва фикр алмашиш шаклида ўтказилган тадбирда иштирокчиларни қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб қайтарилди.

Сардор ТОЖИЕВ,
ЎзА мухбири

XXI аср садоси — Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Қашқадарёда Ўзбекистон Республикаси Адлия ҳамда Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирликлари, Солиқ, «Ергеодезкадастр», Божхона давлат қўмиталари вакиллари ва фермер хўжаликлари раҳбарлари иштирокида илғор фермер хўжаликлари раҳбарлари учун семинар-тренинг ўтказилди.

• Термизда Ўзбекистон Республикаси ҳамда Европа Иттифоқининг «Ўзбекистонда алоҳида эҳтиёжли болалар учун инклюзив таълим» лойиҳасини жорий этишга бағишланган конференция ўтказилди. Конференция иштирокчилари гуруҳларга бўлиниб, инклюзив таълим бўйича олган билим ва кўникмалари тақдимотини ўтказди. Тадбир якунида вилоятда инклюзив таълимни татбиқ этиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди.

• Жиззахда «BankExpo – 2015» банк технологиялари, асбоб-ускуналари ва хизматлари миллий кўргазмаси бўлиб ўтди. Кўргазмада молия муассасаларининг имкониятлари ҳамда банк кўмагида фаолиятини изчил кенгайтириб бораётган тадбиркорлик субъектларининг маҳсулотлари намойиш этилди.

ЖАҲОНДА

• Нигерия ҳарбий самолётлари мамлакатнинг шимоли-шарқидаги Самбис ўрмонида жойлашиб олган «Боко Харам» жангариларининг машғулот ўтказадиган лагерларига авиазарбалар берди. Жангариларга қарши кенг кўламли операцияларда қўшни Чад, Камерун, Бенин ва Нигер мамлакатларининг ҳарбийлари ҳам иштирок этмоқда.

• Перунинг 22 та минтақасида рўй берган кучли сув тошқинлари натижасида 20 киши ҳалок бўлди. Табиий офат 80 мингга яқин кишининг мол-мулкига зарар келтирди, 800 дан ортиқ уй-жойлар тўлиқ вайрон бўлди. 14,5 мингта иншоотларга қисман зарар етди.

• Индонезиянинг Суматра оролида Синабунг вулқони «уйғониб», яна ҳаракатга келди. Ҳозирда вулқоннинг оловли лавраси кратердан 4,5 километр наригача тарқалди. Бироқ, ушбу хавфли жойда истиқомат қилувчи аҳоли 2013 йилнинг ноябрида оммавий равишда кўчирилганлиги сабабли улкан вулқон инсонларнинг қурбон бўлишига олиб келгани йўқ.

Сайлов — 2015

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Наримон Умаров 20 февраль куни Тошкент шаҳри сайловчилари билан учрашди.

НАРИМОН УМАРОВНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲРИ САЙЛОВЧИЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВИ

Учрашувни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 14-Тошкент шаҳар округ сайлов комиссияси раиси Ж.Иноғомов очди. Президентликка номзоднинг ишончли вакили П.Пармонова йиғилганларни номзоднинг таржимаи ҳоли билан таништирди.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Наримон Умаров ўз сайловолди дастури юзасидан нутқ сўзлади.

Дастурда демократия тамойилларига таянган ҳолда аҳоли турли ижтимоий гуруҳ ва қатламларининг турмуш сифати ва даражасини янада оширишга хизмат қиладиган иқтисодиётнинг ижтимоий йўналтирилишига ҳисса қўшиш илгари сурилган. Иқтисодиёт фан ва техниканинг энг замонавий ютуқларига, илғор инновацион тафаккурни тарбиялайдиган таълим тизимига таяниши зарурлигига эътибор қаратилган. Шу билан бирга, жамиятда қонун устуворлиги ва ижтимоий адолатни таъминлаш, иқтисодиётни қўллаб-қувватлаш орқали соҳага инновацияларни жорий қилиш, кадрларни мақсадли тайёрлаш, илм-фанни ривожлантириш, фуқаролик жамияти институтларининг ролини янада ошириш каби қатор устувор вазифалар илгари сурилган.

Учрашувда Сергели тумани ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Д.Раҳимжонова, партиянинг Миробод тумани кенгаши раиси Т.Матибоев ва бошқалар номзоднинг сайловолди дастури хусусида ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб, сайловчиларни 29 март куни бўладиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида фаол иштирок этишга чақирди.

С.ШОЕВА,
ЎзА мухбири

ДЕПУТАТЛАР ЯНГИ ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИНИ КЎРИБ ЧИҚДИЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда)

— Ушбу қонун лойиҳасининг мазмун-моҳияти корпоратив бошқарув тизимида принциплар ва ёндашувларни тубдан ўзгартириш, ишлаб чиқариш, ташқи иқтисодий ва инвестиция жараёнлари корпоратив менежментининг замонавий халқаро стандартларини жорий этишдан иборатдир, — **дея таъкидлади Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитасининг аъзоси Н.Саидахметова.** — Бунда шунга ўхшаш чет эл тажрибаси ҳисобга олинди, устига-устак, иқтисодий жиҳатдан ривожланган мамлакатларда, айниқса, саноат ишлаб чиқариши соҳасида мулкчиликнинг бу шакли катта салмоққа эга. Қонун лойиҳаси акциядорларнинг умумий йиғилишида жамиятларни ўртача муддатли ва узоқ муддатли даврда ривожлантириш бўйича аниқ стратегияни тасдиқлашга доир талабларга эга нормаларни қонунчилик йўли билан мустаҳкамлаш, ижро этувчи орган ва кузатув кенгашининг жамиятларни ривожлантириш стратегиясига эришиш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботини мунтазам равишда эшитиб боришни назарда тутади. Айниқса, шуниси муҳимки, акциядорлик жамиятларининг йирик акциядорларига (акцияларнинг 25 фоизидан ортиғига эгалик қилувчиларга) ушбу жамиятларнинг миноритар акциядорлари олдида дивидендлар бўйича қарз бўлмаган тақдирда дивидендлар тўлаш тўғрисидаги норма мустаҳкамлаб қўйилади. Киритилаётган тузатишлар жамиятда корпоратив бошқарувни ривожлантиришда, акцияларининг ҳажми кичик ва тарқоқлиги туфайли бугунги кунда амалда бошқариш ҳамда қарорлар қабул қилишдан маҳрум бўлган миноритар акциядорларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини мустаҳкамлашда катта аҳамиятга эга.

— Қонун лойиҳасини тайёрлаш жараёнида биз уни қўмитада давлат бошқаруви органлари, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари, шунингдек, соҳа мутахассислари ҳамда ҳуқуқшунослар иштирокида кенг муҳокама этдик, — **дейди Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитасининг аъзоси Б.Темирханова.** — Бунда бошқа қўмиталар ва сиёсий партиялар фракцияларининг ҳуқуқий ҳужжатни янада такомиллаштиришга қаратилган барча фикр-мулоҳазалари инобатга олинди. Шундан келиб чиққан ҳолда, биз қонун лойиҳасини Қонунчилик палатасида кўриб чиқишнинг кейинги босқичига тайёрлаш юзасидан навбатдаги ҳаракатлар режасини ишлаб чиқдик.

«Йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси катта ижтимоий аҳамиятга эга. Ушбу қонун лойиҳаси «Соғлом бола йили» Давлат дастурига мувофиқ ишлаб чиқилди. Ҳужжатнинг қабул қилиниши фақат сифатли йодли ош тузи билан таъминлаш орқали Ўзбекистон Республикаси аҳолиси орасида йод етишмаслиги касалликларининг олдини олишга ва камайтиришга қаратилган.

Шундан сўнг депутатлар **«Хусусий мулк ҳуқуқлари янада кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси**ни кўриб чиқдилар. Давлатимиз раҳбари Вазирлар Маҳкамасининг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисида тадбиркорлик субъектлари ҳамда хусусий мулк эгалари учун ҳуқуқ ва кафолатларни қонунчилик йўли билан ҳимоя қилиш нормаларини кучайтириш зарурлигини таъкидлаган эдилар.

Қонун лойиҳаси хусусий мулкни ҳимоя қилишни ва хусусий тадбиркорлик ҳуқуқларининг кафолатларини кучайтиришга, шунингдек, хусусий мулк ҳуқуқларини бузганлик учун шахсларнинг жавобгарлигини оширишга қаратилган. Тузатишлар Фуқаролик, Уй-жой, Солиқ кодексларига, «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунга ҳамда бир қатор бошқа қонун ҳужжатларига киритилмоқда.

— Қонун лойиҳасида хусусий мулкни ҳимоя қилишни ва хусусий тадбиркорлик ҳуқуқларининг кафолатларини кучайтиришга, шунингдек, хусусий мулкни қонунга хилоф равишда олиб қўйганлик учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини оширишга доир чора-тадбирлар назарда тутилмоқда, — **дея таъкидлади Қонунчилик палатаси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг аъзоси Ш.Мамажонов.** — Шунингдек, Фуқаролик кодексида мулкий ҳуқуқнинг бозор қийматини баҳолаш бевосита бундай мол-мулкни олиб қўйишдан олдинги ёки келгусида олиб қўйилиши ҳақидаги хабар мол-мулк ва мулкий ҳуқуқнинг бозор қийматига таъсир қилган пайтга баҳоловчи ташкилот томонидан баҳоланишини назарда тутувчи қўшимча киритиш тартиби белгилаб қўйилмоқда.

Солиқ кодексида шундай норма мустаҳкамланмоқдаки, унга мувофиқ мулкдорлар давлат органлари ва бошқа органларнинг, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан судга хусусий мулк ҳуқуқини амалга ошириш билан боғлиқ ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги ҳақида мурожаат қилганда судларда давлат божини тўлашдан озод этиладилар. Ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилиниши хусусий мулкдорларни янада самарали ҳимоя қилишга, айбдорлар, шу жумладан, мансабдор шахслар томонидан бундай ҳуқуқларнинг бузилишига йўл қўймасликка хизмат қилади.

— Қонун лойиҳаси қўмитамиз аъзолари томонидан манфаатдор вазирликлар ва идоралар, ҳуқуқ соҳасидаги мутахассислар билан ҳамкорликда ҳар томонлама кўриб чиқилди, — **дея қайд этди Қонунчилик палатасининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси В.Цветков.** — Шунингдек, ҳужжат сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳининг мажлисларида уларнинг партиялари дастурларини ҳамда сайловчилари фикрларини инобатга олган ҳолда муҳокама этилди. Мажлислар иштирокчилари масъул қўмитанинг қонун лойиҳасини Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида биринчи ўқишда кўриб чиқиш учун киритиш тўғрисидаги таклифини қўллаб-қувватладилар.

Шунингдек, депутатлар **«Радиочастота спектри тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги** ва бир қатор бошқа қонун лойиҳаларини ҳам кўриб чиқдилар.

Мажлис кун тартибига киритилган масалаларни муҳокама этиш чоғида барча сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳининг вакиллари сўзга чиқдилар. Улар ўз партиялари дастурларидан ҳамда сайловчиларининг фикрларидан келиб чиққан ҳолда, мамлакатимизда ўтказилаётган ислоҳотларнинг ҳуқуқий базасини янада такомиллаштириш, жойларда ҳуқуқни қўллаш амалиётини самарали татбиқ қилиш, халқ турмушини яхшилаш учун кўриб чиқилган қонун лойиҳаларининг муҳимлигини қайд этдилар.

Юқорида кўрсатиб ўтилган қонун лойиҳалари ҳар томонлама муҳокама этилганидан сўнг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси уларнинг концепцияларини маъқуллади ва биринчи ўқишда қабул қилди. Масъул қўмиталарга келиб тушган таклифларни инобатга олган ҳолда ҳужжатларни кейинги ўқишда кўриб чиқиш учун тайёрлаш топширилди.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси
Ахборот хизмати

ФИДОЙИ МЕҲНАТ ЭЪТИРОФИ



Пойтахтимизда босма ва электрон оммавий ахборот воситалари, ахборот агентликлари ижодий ходимлари ўртасида ташкил этилган «Жамият ва мен», «Эътироф» республика танловлари ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди директори А.Абдуллаев, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси И.Ҳалимбеков ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида миллий журналистикани изчил равнақ топтириш, оммавий ахборот воситаларининг таъсирчанлигини ошириш масаласига алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Президентимизнинг фармонларига кўра миллий журналистикамиз ривожи йўлида фидойилик билан меҳнат қилаётган соҳа вакиллари ҳар йили Ватанимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланмоқда. Соҳа ходимларини рағбатлантириш, касб малакаси ва маҳоратини юксалтиришда турли даражадаги йиғирмага яқин танлов муҳим омил бўлмоқда.

Оммавий ахборот воситаларининг фаолиятини эркинлаштириш, холис ахборот тарқатиш масъулиятини янада ошириш, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар жараёнида кенг иштирок этишини таъминлаш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг қабул қилиниши давлат ва жамият қурилишини либераллаштириш, фуқаролик жамиятини ривожлантиришда алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Тадбирда демократик ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини жамоатчиликка етказишда журналист масъулияти ва унинг фаол фуқаролик позицияси, миллий қонунчиликда белгиланган ахборот олишнинг ҳуқуқий меъёрлари ва ундан фойдаланиш амалиёти, касб одоби, жамоатчиликка тезкор ва холис ахборот етказишда ихтисослашувнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди. Журналистлар, айниқса, ҳудудий нашрларда фаолият кўрсатаётган соҳа ходимлари замонавий ахборот воситаларининг имкониятлари, ахборот тўплаш ва уни жамоатчиликка етказишнинг ўзига хос усуллари ҳақида етарли малака ва кўникмаларга эга бўлиши лозимлиги таъкидланди.

«Жамият ва мен», «Эътироф» республика танловлари журналистларнинг касб маҳоратини ошириш, турли соҳаларга ихтисослашувини кучайтиришга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

«Жамият ва мен» танловига келган уч мингдан зиёд ижодий иш орасидан ижтимоий ҳаёт, иқтисодиёт, сиёсат, ҳуқуқ, илм-фан, маданият, спорт каби соҳаларга оид йўналишлар, «Янги авлод», «Ўз замонасининг қаҳрамони» ва «Соғлом бола йили» Давлат дастурининг ёритилиши» каби махсус номинациялар бўйича 23 нафар ғолиб аниқланди. «Эътироф» республика танловида йилнинг энг яхши босма ОАВ журналисти, фотомухбири, илк бор ўзини танитган оммавий ахборот воситаси каби йўналишларда ва махсус номинацияларда ғолиблар рағбатлантирилди.

— Журналистлик масъулиятли касб, — дейди ЎзА мухбирига «Жамият ва мен» республика танлови ғолиби, Фарғона туманининг «Водил ёғдуси» газетаси бош муҳаррири Собир Дадахўжаев. — Бугунги кунда мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари нафақат ижтимоий-сиёсий ислоҳотлар кўзгусига, айни пайтда жамиятимиздаги ўзгаришлар мазмун-моҳияти ҳақида кенг жамоатчиликнинг фикрини шакллантирадиган муҳим институтга айланди. Мазкур танловлар ҳам биз журналистларга ўз маҳоратимизни синаб кўриш, тажриба алмашиш, билим ва кўникмаларимизни янада бойитиш имконини берганидан хурсандмиз.

Дилшод КАРИМОВ
Темур Мамадаминов
олган сурат

Ватан ҳимояси — муқаддас бурч

ВАТАНГА ХИЗМАТ — ОЛИЙ БАХТ

Пойтахтимиздан муддатли ҳарбий хизматга чақирилганларнинг навбатдаги гуруҳи Ватан олдидаги ўз йигитлик бурчини ўташ учун жўнаб кетди.

Тошкент шаҳар мудофаа ишлари бошқармасининг йиғин пунктида шу муносабат билан тантанали маросим бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, турли жамоат ташкилотлари, бўлажак аскарларнинг ота-оналари иштирок этди.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида Қуролли Кучларда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ёшлар ўртасида муддатли ҳарбий хизмат обрўсини ошириш ва мамлакатимизнинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилаётгани таъкидланди. Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 12 декабрдаги «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги қонунига мувофиқ муддатли ҳарбий хизматга танлов асосида олиш тартиби такомиллаштирилиб, самарали тизим йўлга қўйилди. Бу Қуролли Кучлар шахсий таркибини жисмонан соғлом ва интеллектуал салоҳиятли ёшлар билан тўлдириш имконини бермоқда.

— Ватанга хизмат қилиш ҳар бир йигитнинг фуқаролик бурчидир, — дейди муддатли ҳарбий хизматга чақирилган Асқаржон Набиев. — Ўз ҳаётимни Қуролли Кучлар билан боғламоқчиман. Бунинг учун тест синовларига пухта тайёргарлик кўрдим, спорт билан шуғулландим, Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти техника мактабида ўқиб, радиотелефончи касбини эгалладим. Бу менга хизмат давомида ёрдам беришига ишонаман.

— Ўғлим боболари каби ҳар доим ҳарбий хизматчи бўлишни орзу қиларди, — дейди Асқаржоннинг онаси Хосиятхон Набиева. — Ниҳоят, унинг орзуси ушалди. Фарзандларимизнинг армия сафларида хизмат қилиши учун яратилган шарт-шароитлар учун Президентимиздан миннатдормиз. Миллий армиямиз ёшлар учун ҳақиқий ҳаёт мактабига айланди. Ўғлим ҳам Ватан ҳимоясига ўз ҳиссасини қўшаётгани билан фахрланаман.

ХОДИМЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРМОҚДА

Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги соҳавий ва ҳудудий органлари ходимларининг жисмоний тайёргарлиги бўйича ўқув-амалий семинар бўлиб ўтди. Унда ички ишлар ходимлари, «Динамо» жисмоний тарбия ва спорт жамиятининг жойлардаги вакиллари иштирок этди.

Тадбирда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида давлат ва жамоат хавфсизлигини, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга доимий эътибор қаратилаётгани таъкидланди. Ички ишлар идораларининг моддий-техник базаси мустаҳкамланиб, ходимларнинг касб маҳорати, жисмоний ва жанговар тайёргарлиги мунтазам оширилаётгани бу борадаги ишлар самарадорлигини юксалтиришга хизмат қилмоқда.

Мазкур семинардан кўзланган мақсад ходимлар ўртасида ўтказиладиган жисмоний ва жанговар тайёргарлик сифатини янада яхшилаш, уларнинг малакасини ошириш, қатор спорт турлари, жумладан, самбо ва қўл жанги каби яккакураш турлари билан мунтазам шуғулланишини таъминлашдан иборат.

Тадбир давомида ички ишлар органлари ходимлари жисмоний ва касб тайёргарлиги машғулотларини ташкил этиш усуллари ҳамда жисмоний тарбия назарияси хусусида ўзаро тажриба алмашди. Спортнинг яккакураш турлари усуллари, жиноятчилар билан курашиш, уларни қуролсизлантиришга қаратилган махсус усул ва ҳаракатлар бўйича амалий машғулотлар ўтказилди.

— Бундай семинарлар ички ишлар тизимида фаолият юритаётган ходимларнинг масъулияти, ҳушёрлиги, жисмоний, руҳий ва жанговар тайёргарлигини оширишда муҳим аҳамиятга эга, — дейди Жиззах шаҳар ИИБ ходими, лейтенант Холмурод Турдибоев. — Бу ерда ўрганганларимиз фуқароларнинг осойишталигини таъминлаш, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчилик ҳолатларининг олдини олиш ва уни бартараф этишда бизга катта ёрдам беради.

Семинар якунида иштирокчиларга сертификатлар топширилди.

(ЎзА)

Зулфия таваллудининг 100 йиллигига

ИСТИҚЛОЛ ШОИРА ИЖОДИДА

Темурийлар тарихи давлат музейида Ўзбекистон Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти ҳамда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси билан ҳамкорликда «Мустақиллик даври адабиётида Зулфия ижодининг аҳамияти» мавзусида илмий анжуман ташкил этилди.

Ўзбекистон халқ шоири Зулфия таваллудининг 100 йиллигига бағишлаб ўтказилган мазкур анжуманда адабиётшунослар, ёзувчи ва шоирлар, ёш олимлар, тадқиқотчилар, маънавият тарғиботчилари, талабалар иштирок этди.

Ўзбекистон Фанлар академияси вице-президенти Б.Абдуҳалимов, Ёзувчилар уюшмаси раиси М.Аҳмедов, Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти директори Н.Маҳмудов, адабиётшунос олимлар С.Ганиева, Н.Каримов, У.Норматов, Б.Назаров, И.Ғафуров ва бошқалар миллий адабиётимизни равнақ топтиришга қаратилган эзгу саъй-ҳаракатлар ёш авлод маънавиятини юксалтириш, соғлом фикрли, теран тафаккурли авлодни вояга етказиш, ёшларнинг адабиётга, яхши китобга бўлган меҳри ва ихлосини кучайтиришда асосий омил бўлаётганини таъкидлади.

Бу жараёнда сўз санъати ривожи йўлида самарали меҳнат қилган ижодкорларнинг адабий меросини чуқур ўрганиш, улардан навқирон авлодни она Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат, умрбоқий анъаналаримизга ҳурмат, юрт келажаги учун дахлдорлик руҳида камолга етказишда кенг фойдаланиш, асарларини қайта нашр этиш, мазмун-моҳиятини китобхонлар оммасига етказиш юзасидан тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг «Ўзбекистон халқ шоири Зулфия таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги Қарори ардоқли шоиранинг ижодий меросини кенг ўрганиш, унинг мазмун-моҳиятини ёшларга янада теран етказишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Зулфия шеъриятида юртимизга чексиз меҳр-муҳаббат, унинг ҳар қарич тупроғини азиз ва мукаррам билиш, мусаффо осмон, фаровон ҳаётни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш ғоялари устувор аҳамият касб этади. Унинг «Халқимга айтар сўзларим», «Икрорга вақт етди», «Тонг», «Кел, баҳор!», «Қуёшли қалам», «Мушоира», «Хотирам синиқлари» каби шеърлари, достонларидаги жўшқин сатрлар ўқувчини юрт тақдири, унинг келажаги учун масъулиятни дилдан ҳис этишга, фараҳбахш кунлар учун шукроналик туйғуси билан яшашга ундайди, энг беғубор, покиза ва маъсум хаёллар, нурли орзу-умидларга ошно этади. Унинг эзгулик, тинчликсеварлик, инсонпарварлик руҳи билан йўғрилган шеърлари кўплаб халқлар тилларига ўгирилгани дунё адабиёт мухлисларини ўзбек шеърияти намуналаридан баҳраманд этиш имконини бергани билан диққатга сазовордир.

Зулфия таваллудининг 100 йиллиги муносабати билан унинг шеърлари қайта нашр этилмоқда. Ижодкорнинг ҳаёти ва ибратли фаолиятига бағишлаб таълим масканлари, маҳаллалар, ахборот-ресурс марказларида маънавий-маърифий тадбирлар, шеърият байрамлари, мушоиралар бўлиб ўтмоқда. Ўқувчилар ўртасида Зулфия ижодига бағишлаб иншолар танлови ўтказилмоқда.

– Зулфия шеъриятида ҳурриятимиз, бугунги таҳликали дунёда энг олий неъмат саналган тинч ва осуда ҳаётни қадрлаш авж пардаларда тараннум этилади, – дейди ЎзА мухбирига Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети катта илмий ходим-изланувчи тадқиқотчиси, Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаси Ёркиной Эрназарова. – Севимли шоирамизнинг ватанпарварлиги, камтаринлиги, ибоси, меҳр ва садоқати бизлар учун доимо ўрнакдир.

Анжуманда Зулфия ижоди мустақиллик даврида, адабий алоқалар ривожида шоира шеъриятининг ўрни, Зулфия шеърияти ва миллий маънавият, ижодкор шахсияти ва лирик қаҳрамон каби мавзулар атрофлича муҳокама этилди. Шоира ижодидан намуналар ўзбек ва хорижий тилларда янгради. Зулфия китобларидан иборат кўргазма ташкил этилди.

Назокат УСМОНОВА

Яқинда Италияда Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳиятига бағишланган тақдимот маросими бўлиб ўтди. Мамлакатимизнинг Италиядаги элчихонаси томонидан «Federturismo Confindustria» Италия миллий сайёҳлик федерацияси билан ўзаро ҳамкорликда ташкил этилган ушбу тадбир чоғида Ўзбекистоннинг кўҳна тарихи, бой маданий мероси, жаҳонга машҳур маҳобатли ёдгорликлари ҳақидаги маълумотлар мулоқотларнинг асосий мавзуси бўлди.

ИТАЛИЯДА ТАҚДИМОТ МАРОСИМИ

Тадбир чоғида алоҳида таъкидланганидек, Ўзбекистон ҳудудида жаҳонга машҳур кўплаб маданий-тарихий иншоотлар мавжуд. Ўтган давр мобайнида мамлакатимиз ҳудудидаги тўрт мингдан зиёд моддий-маънавий обида умумжаҳон меросининг ноёб намунаси сифатида ЮНЕСКО рўйхатига киритилган.

Ўзбекистоннинг бой ва бетакрор тарихий мероси, гўзал табиати ва жўғрофий жойлашуви дунёнинг турли бурчакларидан келаётган сайёҳларнинг кўнгилдагидек ҳордиқ чиқариши ҳамда мароқли саёҳат қилишлари учун имкон бермоқда.

Қайд этилганидек, ўтган йили БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Ижроия кенгаши 99-сессиясининг Самарқандда ўтказилиши Ўзбекистоннинг сайёҳлик соҳасидаги имкониятлари жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилганини тасдиқлайдиган далиллардан бири бўлди. Шунингдек, мустақиллик йиллари мобайнида мамлакатимизда сайёҳлик саноатини жаҳон андозаларига монанд равишда ривожлантириш, яъни замонавий меҳмонхоналар барпо этиш, транспорт инфратузилмасини такомиллаштириш, сайёҳликнинг янги турлари ва йўналишларини яратиш юзасидан кенг кўламли ўзгаришлар рўй берди. Биргина 2014 йилнинг ўзида халқаро сайёҳликни ривожлантириш учун умумий миқдори 580 миллион АҚШ долларидан зиёд сармоя киритилди.

«Federturismo» директори Антонио Баррека қадимий савдо йўли чорраҳасида жойлашган Ўзбекистон бугунги кунда бой тарих ва улкан сайёҳлик салоҳиятига эга бўлган мамлакат эканлигини таъкидлади. «Самарқанд, Бухоро ва Хива каби шаҳарлар, шубҳасиз, Буюк Ипак йўлининг ганжиналаридирки, шу боис улар эртаклардагидек дунёнинг барча мамлакатларидан сайёҳлар эътиборини ўзига жалб қилмоқда», деди у.

Тақдимот чоғида Марказий Осиёдаги энг йирик авиакомпанияларидан бири — ўзининг замонавий авиапаркига эга бўлган «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпаниясининг фаолияти тўғрисидаги атрофлича маълумотлар ҳам тадбир иштирокчиларининг эътиборига ҳавола қилинди. Италиялик қатнашчилар эътироф этишганидек, Рим ва Милан шаҳарлари билан Тошкент ўртасида тўғридан-тўғри ҳаво қатновларининг мавжудлиги нафақат Италия, балки бутун Европа минтақаси саёҳат ишқибозларини Ўзбекистонга янада яқинлаштиришга хизмат қилмоқда.

«Жаҳон» АА,
Рим

2015 йил — Кексаларни эъзозлаш йили

ҲЕЧ КИМ МЕҲР-ЭЪТИБОРДАН ЧЕТДА ҚОЛМАЙДИ

Кексаларни эъзозлаш йили муносабати билан ташкил этилган «Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!» шиори остидаги чуқурлаштирилган тиббий кўриклар Тошкент шаҳридаги 60 та оилавий поликлиникаларда ва 11 та марказий кўп тармоқли поликлиникаларда юқори савияда ўтказилмоқда.

Президентимиз раҳнамолигида юртимизда ёши улуғ инсонларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларни тиббий ва ижтимоий муҳофаза қилиш борасида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 13 октябрдаги «1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони бу борадаги ишларни янги босқичга олиб чиқишда муҳим дастуруламал бўлаётир.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ташаббуси билан ўтказилаётган акция ҳафталиги давомида Тошкент шаҳридаги тиббий муолажага эҳтиёжманд аҳоли, айниқса, ёши улуғ инсонлар, уруш ва меҳнат фронти фахрийларини чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказиб, уларнинг саломатлигини тиклаши учун амалий ёрдам кўрсатилмоқда. Бунинг учун тиббиёт муассасалари, илмий-текшириш институтлари, ихтисослаштирилган тиббий марказларнинг юқори малакали шифокорларидан иборат гуруҳлар ташкил этилди. Улар замонавий тиббий жиҳоз ва асбоб-ускуналар билан таъминланди. Ногирон ва тиббий муассасага келиш имконияти чекланган кексаларни ўз хонадонларида кўрикдан ўтказиш ва уларга зарур тиббий ёрдам кўрсатиш имконияти яратилди.

Ҳафталик давомида шаҳримиздаги барча нуронийлар, қариялар ва кексалар чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилди. Шифокор мутахассислар уларнинг ҳар бири билан суҳбатлашиб, ўз тавсияларини берди. Касаллик аниқланган беморлар даволаниш учун тиббий муассасаларга йўлланмалар олди.

Таъкидлаш жоизки, бундан буён ушбу акция ҳар ойнинг учинчи ҳафтасида йил давомида давом эттириб борилади. Яъни, чуқурлаштирилган тиббий кўрикни ўтказиш учун юқори малакали шифокорлар — профессорлар, олий тоифали врачлар жалб этилиб, ортопед, пульмонолог, гастроэнтеролог ва бошқа йўналишлар бўйича мутахассислар кекса ва нуронийлардан ўз маслаҳатию амалий ёрдамини аямайди.

Дилмурод ИСМОИЛОВ

КЎЧМАС МУЛККА ОИД НОТАРИАЛ ҲАРАКАТЛАРНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ — ДОЛЗАРБ МАСАЛА

Мамлакатимизда хусусий мулкнинг жорий этилиши, тадбиркорлар фаолиятининг ривожланиши улкан аҳамиятга эга бўлган жараёндир. Хусусий мулк – доимо шахсни ташаббускорлик кўрсатишга, иқтисодий фаол бўлишга, тўғри ҳисоб-китоб қилишга, жонбозлик кўрсатишга, эртанги кун учун жон койитиб яшашга ундайди.

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов 2015 йил 23 январда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасидаги қонунларнинг ишлаш механизми хусусида тўхталиб, «Бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш соҳасида қабул қилинаётган чора-тадбирлар, хусусан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида биз қонунларимизда белгилаб қўяётган рағбатлантирувчи омиллар қачон ишлайди? Қачонки ҳуқуқнинг юқорида қайд этилган бошқа тармоқларига тегишли бўлган ҳуқуқий институтлар, аввало, суд-ҳуқуқ соҳасининг таъсир кўрсатиш механизмлари билан мустаҳкамлаб қўйилган тақдирдагина улар ўз самарасини беради»,– деб таъкидлаган эдилар.

Шу муносабат билан кичик бизнес ва хусусий мулк эгаларининг кўчмас мулкига оид нотариал ҳаракатларни қонунан расмийлаштириш ҳам ҳозирги куннинг долзарб масалаларидан биридир.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 83-моддасига мувофиқ мол-мулк фуқаролик ҳуқуқлари объекти сифатида кўчмас мулкка ва кўчар мулкка бўлинади.

Кўчмас мулк ер участкалари ва ер ости бойликлари, кўп йиллик дов-дарахтлар, шунингдек, бинолар ва иншоотлардан иборатдир. Кўчмас мулкка оид нотариал ҳаракатлар жумласига ушбу мулкни олиш-сотиш, айирбошлаш, ҳадя қилиш кабилар киради. Кўчмас мулкнинг олди-сотди шартномасига биноан (айирбошлаш ва ҳадя шартномаларига нисбатан ҳам олди-сотди шартномаси талаблари қўлланилади) сотувчи ер участкаси, бино, иншоот, квартира ёки бошқа кўчмас мулкни сотиб олувчига мулк қилиб топширишни ўз зиммасига олади.

Кўчмас мулкнинг олди-сотди шартномаси тарафлар имзолаган ёзма шаклдаги битта ҳужжат тарзида тузилади.

Бино, иншоот ёки бошқа кўчмас мулк сотилганида улар жойлашган ва ундан фойдаланиш учун зарур бўлган ер участкасига бўлган ҳуқуқ сотиб олувчига топширилиши лозим.

Сотувчи сотилаётган кўчмас мулк жойлашган ер участкасининг мулкдори бўлган тақдирда сотиб олувчига ер участкасининг тегишли қисмига мулк ҳуқуқи ёки ижара ҳуқуқи ёхуд кўчмас мулкни сотиш шартномасида белгиланган бошқа ҳуқуқ берилади.

Агарда шартномада сотиб олувчига топшириладиган тегишли ер участкасига бўлган ҳуқуқ белгиланмаган бўлса, сотиб олувчига ер участкасининг кўчмас мулк жойлашган ва бу кўчмас мулкдан фойдаланиш учун зарур бўлган қисмига мулк ҳуқуқи ўтади.

Уй, квартирани, уйнинг ёки квартиранинг бир қисмини сотиш шартномаси нотариал тартибда тасдиқланиши ва давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим.

Хулоса қилиб шуни айтиш жоизки, кўчмас мулкка оид нотариал ҳаракатларни қонунан расмийлаштириш фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини янада тўлақонли ҳимоя қилиш учун хизмат қилади. Зеро, юртимизнинг Асосий Қонуни – Конституцияга мувофиқ инсон ҳуқуқ ва манфаатлари олий қадрият ҳисобланади.

Нурия ШОҲНАЗАРОВА,
Чилонзор туманидаги
6-сонли давлат
нотариал идораси нотариуси



Устоз-шогирд анъаналари давом этмоқда

Кўрик-танлов

ЭНГ ЯХШИ ЎҚИТУВЧИЛАР АНИҚЛАНДИ

Мамлакатимизда ҳеч кимдан кам бўлмаган баркамол авлодни вояга етказишда устоз-мураббийларнинг билим ва маҳоратини мунтазам ошириб бориш, уларнинг машаққатли меҳнатини эъзозлаш, рағбатлантириш муҳим масалалардан биридир.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси», «Йилнинг энг яхши мактаби», «Йилнинг энг яхши психологи» каби кўрик-танловлар ўз билим ва тажрибаси, истеъдод ва маҳорати, инсоний фазилатлари, кўз нури ва қалб қўри, бутун борлиғини аямасдан, маърифат йўлида беминнат хизмат қилаётган педагоглар меҳнатини рағбатлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

«Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси» республика кўрик-танловининг Тошкент шаҳар босқичида турли фанлардан маҳоратли педагоглар сараланди.

Мазкур кўрик-танловда камида уч йиллик педагогик иш тажрибасига эга, олий маълумотли ўқитувчилар иштирок этиши танлов низомида белгиланган. Шунингдек, ўқувчиларининг давлат таълим стандартлари талабларини ўзлаштириш даражаси 76 фоиздан юқори бўлган, шогирдлари «Билимлар беллашуви» танловида туман (шаҳар), вилоят, республика босқичида ғолибликни қўлга киритган муаллимлар, «устоз-шогирд» тизимининг устозлари, иш тажрибасида қўллаган янгиликлари ўрганилиб, кўрик-танловда иштирок этишга тавсия этилган ўқитувчилар қатнашиши кўзда тутилган.

Пойтахтимиздаги 288-умумтаълим мактабида кимё фанидан ташкил этилган танловда 11 нафар иштирокчи ўз билим ва маҳоратини намойиш этди. Шу билан бирга, ҳайъат аъзолари томонидан қатнашчиларнинг мураккаб мавзуларни бўйича очиқ дарслар ташкил қилиши, замонавий ахборот технологиялари, интерфаол усулларни амалиётга жорий этиши, дарс жараёнида таълим ва тарбия уйғунлигини таъминлай олиши, ёшлар онгига ватанпарварлик, эл-юрт тақдири учун дахлдорлик, миллий қадриятлар, урф-одат ва анъаналаримизга ҳурмат туйғуларини сингдириш маҳорати баҳоланди.

– Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда амалга оширилаётган жисмонан ва маънан соғлом, ақлан етук авлодни тарбиялашга қаратилган янги таълим модели мактаб аталмиш улуғ даргоҳда меҳнат қилаётган ўқитувчи, мураббийлар зиммасига катта масъулият юклайди, – дейди кўрик-танловнинг шаҳар босқичи ғолиби, Чилонзор туманидаги 103-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Эмине Аджамамбетова. – Шу боис тақдирини таълим-тарбия соҳаси билан боғлаган ҳар бир ўқитувчи тинимсиз ўз устида ишлаши, билим-кўникмаларини мунтазам ошириб бориши зарур. «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси» кўрик-танлови биз, педагогларни мана шу масъулиятни янада теран англашга ундаётгани билан ҳам аҳамиятлидир.

Ғолиблар кўрик-танловнинг мамлакат босқичида иштирок этади.

Д. КАРИМОВ,
ЎзА мухбири

Тиббиёт

«ИШОНЧ ХОНАЛАРИ»ГА ИШОНЧ ОРТМОҚДА

Ўғли Расулжон хориждан қайтганидан буён қўшнимиз Лобар опанинг бағри тўлиб қолди. Расулжон икки йилдирки, чет давлатлардан бирида меҳнат қилаётган эди. Лобар опа ўғлининг қайтишини қанчалар муштоқ бўлиб кутди-я. У ҳам тўй қилиб, келин туширишни, невараларини суйиб улғайтиришни ният қилганди.

Лобар опа чет элдан қайтган айрим фуқароларнинг турли юқумли касалликларга чалинганини эшитган экан, яқин қўшни бўлганимиз учунми у мендан ОИВ/ОИТС касаллигига текшириш мумкин бўлган ишончли ва қулай шифохона қаерда эканини сўради...

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиш, саломатлигини мустаҳкамлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 10 сентябрдаги «2014-2016 йилларда Ўзбекистон Республикасида ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашиш соҳасидаги Давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори мазкур йўналишдаги ишлар самарадорлигини янада ошириш, тиббиёт муассасалари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, аҳолининг тиббий маданиятини юксалтиришга хизмат қилаётир.

– ОИВ инфекцияси орттирилган иммунитет танқислиги синдроми касаллигини келтириб чиқаради, – дейди ЎзА мухбирига пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманидаги 7-оилавий поликлиника шифокори Александр Глазков. – Тиббиётда бу инфекциянинг асосан жинсий алоқа, ОИВ билан зарарланган қон, стерилланмаган асбоблар ҳамда вирус билан касалланган онадан болага юқиши аниқланган. Юртимизнинг барча ҳудудларидаги оилавий поликлиникаларда ташкил этилган «Ишонч хоналари» шифокорлари олиб бораётган тушунтириш ишлари самарасида ушбу хасталикни эрта аниқлаш, аҳолини самарали тиббий кўрикдан ўтказиш ва аниқ ташхис қўйиш имкониятлари кенгайди.

Бугунги кунда мамлакатимизда ОИВ инфекцияси профилактикаси, хасталикка ташхис қўйиш, ушбу вирусни юқтириб олган беморларни бепул махсус даволаш, ижтимоий муҳофаза қилиш ва даволаш воситалари билан таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар сир сақланган ҳолда изчил амалга оширилмоқда.

Мирзо Улуғбек туманидаги 7-оилавий поликлиникада ташкил этилган «Ишонч хонаси»да ҳам мурожаат қилувчиларга ушбу иллатга қарши курашиш бўйича мунтазам тарғибот ишлари олиб борилмоқда. Натижада аҳолининг тиббий онги ва маданияти юксалиб, ўз саломатлигига бўлган масъулияти ортмоқда.

...Лобар опа ўғлини шифохонадаги «Ишонч хонаси»да тиббий текширувдан ўтказганини ва ташхис натижалари ижобий чиққанини қувонч билан сўзлади. Энди тўй ҳаракатига тушган қўшнимиз юртимизда аҳоли саломатлиги йўлида яратиб берилаётган шарт-шароитлардан беҳад мамнун.

Дарҳақиқат, инсон буюк хилқат. Унинг саломатлигини асраш, соғлом турмуш кечириши учун барча шарт-шароитни яратиш энг асосий ва устувор вазифадир.

Фарида ИБОДОВА

Мусобақалар

СПОРТ — САЛОМАТЛИК ГАРОВИ

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг «Спорт — саломатлик гарови» шиори остида Республика спорт мусобақаларини ўтказиш тўғрисида»ги ҳамда Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши раёсатининг қарорларини ижро этиш, шунингдек, корхона, ташкилот ва муассасаларда фаолият кўрсатаётган меҳнаткашларни турли касб касалликларидан спорт ва соғлом турмуш тарзи асослари орқали муҳофаза қилиш ҳамда аҳоли ва ёшларнинг жисмоний тарбия ва спортнинг оммавий турларига қизиқишларини кучайтириш мақсадида жойларда турли-туман мусобақалар ташкил этилмоқда.



Икки босқичдан иборат «Спорт — саломатлик гарови» шиори остидаги мусобақалар Олмазор тумани истеъмол товарларини ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшма кенгаши томонидан ҳам кенг кўламда ўтказилмоқда. Чунончи, биринчи босқич доирасида тизимга қарашли жами 42 та йирик ва кичик корхона ва ташкилотларда шахмат, шашка, волейбол, стол тенниси, сузиш, бадминтон каби спортнинг 6 та тури бўйича беллашувларни талаб даражасида уюштириш, умуман, ходимларнинг спорт билан мунтазам шуғулланишлари йўлида корхоналар бошланғич ташкилотлари раисларининг ташаббуси билан маъмурият томонидан тегишли шарт-шароитлар яратилди. Зеро, меҳнаткашлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш мақсадида корхона, ташкилот ва муассасаларда фаолият кўрсатаётган ходимларни спортнинг оммавий турларига қизиқтириш орқали меҳнат фаолияти самарадорлигини оширишга кўмаклашилмоқда.

Шундай қилиб, туманда йигирма кун давомида биринчи босқич доирасида бўлиб ўтган қизғин спорт мусобақаларида Республика автомактаби, «Шмид», «Маслодел», «Proekt dominante», «Таманно савдо» масъулияти чекланган жамиятлари ҳамда тумандаги енгил саноат касб-ҳунар коллежи жамоалари ғолиб ва совриндорлар сафидан ўрин олиб, бошланғич касаба уюшмаси қўмиталарининг диплом ва қимматбаҳо совғалари билан тақдирланди.

Куни кеча туманда «Спорт — саломатлик гарови» шиори остидаги мусобақаларнинг иккинчи босқичи бошланди. Бу гал меҳнаткашлар ўртасида ўтказилаётган спорт беллашувлари Олмазор туман истеъмол товарларини ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшма кенгаши ҳамда туман таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси билан ҳамкорликда ташкил этилмоқда.

Дилшод ИСРОИЛОВ
СУРАТДА: «Спорт — саломатлик гарови» мусобақасидан лавҳа

Ўзбекистон давлат санъат музейида британиялик рассом ва ҳайкалтарош Ғенри Мурнинг кўргазмаси очилди.

БРИТАНИЯЛИК РАССОМ КЎРГАЗМАСИ

«Генри Мур: графика устаси» деб номланган кўргазма Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Британия кенгаши томонидан Ўзбекистон Бадиий академияси билан ҳамкорликда ташкил этилди. Унда рассомнинг саксонта графика иши намойиш қилинмоқда.

Ўзбекистон Бадиий академияси раиси Акмал Нуриддинов, Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллигининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Жорж Эдгар, Британия кенгашининг Ўзбекистондаги бўлими директори Марк Кросси ва бошқалар Ўзбекистон ҳамда Буюк Британия ўртасидаги серқирра ҳамкорлик барча соҳалар, жумладан, маданият ва санъат йўналишида ҳам изчил ривожланаётганини таъкидлади.

Генри Мур – Буюк Британиянинг XX асрдаги атоқли рассоми ва ҳайкалтарошларидан биридир. Унинг ижодига мансуб асарлар ҳаётийлиги, замонавийлиги ва табиатга яқинлиги билан ажралиб туради. Ижодкор асарлари дунёнинг кўплаб мамлакатларида намойиш этилган. Рассом ижодида она ва бола, хотин-қизлар образлари алоҳида ўрин тутади.

Видео-гид кўргазмага ташриф буюрганларга Генри Мурнинг намойиш этилаётган асарлари ва ижодидаги асосий мавзулар ҳақида инглиз тилида маълумот бермоқда.

Бобур ОБИДОВ,
ЎзА мухбири

ЭКОЛОГИК МУҲИТНИ АСРАШ — ҲАР БИРИМИЗНИНГ БУРЧИМИЗ

«Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази «Экология ва инсон саломатлиги» мавзусида ижтимоий сўров ўтказди.

Тадқиқотни ўтказишдан мақсад Ўзбекистон Республикасининг «Экологик назорат тўғрисида»ги қонунини ҳаётга татбиқ этиш бўйича тадбирлар режаси доирасида фуқароларнинг мамлакатимиздаги экологик аҳвол тўғрисидаги фикрини, атроф-муҳит ва аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш масаласидаги хабардорлик даражасини аниқлашдан иборат бўлди.

Сўровда аҳолининг барча қатламлари вакиллари, яъни шаҳар ва қишлоқлар аҳолиси, турли маълумотга эга, турли ёш ва миллатга мансуб фуқаролар иштирок этди.

Сўров натижалари шуни кўрсатдики, истиқлол йилларида мамлакатимиз фуқароларининг атроф-муҳитни ҳимоя қилиш бўйича фикр ва тасаввури сезиларли равишда ўзгарган, улар экотизимнинг айрим элементларини ҳимоя қилишдан инсон яшайдиган муҳитни муҳофаза қилишга ўтиш зарурлигини англамоқда, табиатни асраб-авайлашга нисбатан муносабати ўзгариб бораётир. Аҳолининг катта қисми Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда экологик хавфсизликни таъминлаш ва барқарор ривожланган жамиятни шакллантириш бўйича амалга оширилаётган сиёсатни қўллаб-қувватламоқда.

Тадқиқот натижаларига кўра, ҳамюртларимиз мусаффо табиий муҳитни келажак авлод учун асраб-авайлаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишга қаратилган чора-тадбирлар муҳимлигини англаб етмоқда. Фуқароларимизнинг фикрича, атроф-муҳит хавфсизлиги аҳоли саломатлигини сақлаш ва баркамол авлодни тарбиялашнинг муҳим омилларидан биридир.

Мустақиллик йилларида атроф-муҳитни ҳимоя қилиш соҳасидаги ижобий ўзгаришлар, аввало, мамлакатимизда экологик вазиятни барқарорлаштириш ва яхшилаш бўйича амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, табиатдан экологик хавфсиз фойдаланиш бўйича назоратни кучайтириш билан боғлиқ экани қайд этилди. Иштирокчилар ушбу чора-тадбирлар тизимида «Экологик назорат тўғрисида»ги қонунни ҳаётга татбиқ этиш алоҳида ўрин тутишини таъкидлади.

Иштирокчиларнинг фикрига кўра, атроф-муҳит хавфсизлиги инсон саломатлигини сақлашнинг муҳим омилидир. Сўров давомида ҳар иккинчи фуқаро экотизим аҳволи, атроф-муҳитнинг ифлосланиши аҳоли саломатлигига жиддий таъсир кўрсатишини яхши тушуниши маълум бўлди. Шу сабабли ҳамюртларимизнинг аксариятини экологик хавфсизлик ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масаласи қизиқтиради. 40 фоиз фуқаронинг мазкур муаммога қизиқиш даражаси юқори бўлиб, бу уларнинг миллий генофондни сақлаш учун ўзлари ва яқинлари саломатлигини асраш истаги билан боғлиқдир.

Тадқиқот натижалари фуқароларда табиат ва атроф-муҳитни асраб-авайлаш кўникмаларини шакллантиришга доир амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар ўз самарасини бераётганини тасдиқлайди.

Сўровда фуқароларнинг қарийб учдан бир қисми Ўзбекистон Республикаси ҳудудида табиий муҳит ва ресурслар ҳолатини кузатиш, ҳисобга олиш, баҳолаш ва прогноз қилиш мақсадида давлат томонидан атроф-муҳит мониторинги тизими мавжудлигидан хабардорлиги аён бўлди.

Аксарият фуқароларимиз атроф-муҳит янада яхшиланишига ишонади. Бу борада атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, аҳолининг экологик ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш бўйича амалга оширилаётган изчил чора-тадбирлар муҳим ўрин тутмоқда.

Ўзбекистон Экологик ҳаракати фаолияти доирасида ҳамюртларимиз атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги муҳим давлат дастурларини амалга оширишда фаол иштирок этмоқда. Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида атроф-муҳит муҳофазаси ва экологик аҳволни яхшилаш ишларида жамоатчилик иштирокини кенгайтириш ушбу ҳаракатнинг асосий вазифаларидан биридир. Иштирокчиларнинг фикрича, Экологик ҳаракат атроф-муҳит муҳофазасида ҳар бир фуқаро фаол қатнашиши лозимлигига алоҳида эътибор қаратиши зарур.

«Ижтимоий фикр» маркази материаллари асосида
ЎзА мухбири М.МАМЕТОВА тайёрлади

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

UZTELECOM

ҲУРМАТЛИ ҲАМШАҲАРЛАР!

Ҳозирги кунда телефон кабелларининг ўғирланиши оммавий тус олиб, катта муаммога айланмоқда. Кабель линияларини қасддан шикастлаш натижасида фақат «Ўзбектелеком» АК «ТШТТ» филиали абонентлари – жисмоний шахслар жабрланмоқда, айни пайтда бу ҳол ҳокимият ва бошқарув органлари, ҳуқуқ-тартибот органлари, шошилинч хизмат, шаҳар ҳаётини таъминлаш корхоналарининг ҳам алоқа тизимларининг фаолияти бузилишига олиб келмоқда. Кабелни ўғирлаш телефон тармоғининг узилишига, Интернет тармоғи, маълумотнома-сервис ва ахборот хизматларидан фойдаланиш имкониятининг чекланишига сабаб бўлмоқда.

«Ўзбектелеком» АК «ТШТТ» филиали иншоотларни қўриқлаш масалаларини ҳал қилиш, ўз мижозлари учун алоқа шикастланишлари оқибатларини камайтириш ҳамда тиклаш бўйича бор куч ва имкониятларини ишга солмоқда.

Айни пайтда, кабеллар ўғирланишининг олдини олишда, шунингдек, ўғриларни қўлга олиш ва жазолашда аҳоли томонидан бундай хатти-ҳаракатлар ҳақида ўз вақтида хабар берилиши ўта муҳим аҳамиятга эга.

Кабелларни қасддан шикастлаш ҳолатларининг олдини олиш, шаҳар алоқа иншоотларини ҳимоялаш мақсадида «Ўзбектелеком» АК «ТШТТ» филиали фуқароларни огоҳ бўлишга даъват этади. Шаҳар линияли-кабель иншоотларидан рухсат берилмаган ҳолда фойдаланиш, кабеллар, канализация қопқоқларини ўғирлаш ҳоллари аниқланганда **102** ёки **233-69-95** телефонлари орқали хабар беришингизни сўраймиз.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Диққат! Диққат! Диққат!

Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан чет эл инвесторлари диққатига!

Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси, «Ko`chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ бошланғич нарх босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

Аукцион савдоларига қуйидаги давлат активлари қўйилади:

I. Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси тасарруфидаги Тошкент шаҳри, М.Улуғбек тумани, Ҳ.Олимжон майдони, Шарқий томон, 13 а-уй манзилидаги бино қисми.

Бино ва иншоотлар эгаллаган майдони – 1630 кв.метр.

Бошланғич нархи – 5 009 704 687 сўм.

Балансда сақловчи: Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси.

Фаолият ихтисоси: Маъмурий бошқарув.

II. Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси тасарруфидаги, Тошкент шаҳри, М.Улуғбек тумани, Ҳ.Олимжон майдони, Ғарбий томон, 13 а-уй манзилида жойлашган Пойтахт бизнес мажмуасининг бино қисми.

Бино ва иншоотлар эгаллаган майдони – 244 кв.метр.

Бошланғич нархи – 783 901 022 сўм.

Балансда сақловчи: Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси.

Фаолият ихтисоси: Маъмурий бошқарув.

Савдо ташкилотчиси: «Ko`chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1«А»-уй. Тел/факс (0-371) 228-84-48. веб-сайт; www.1kms.uz. электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz. Лицензия: RR 0001.

Аукцион савдоси 2015 йил 23 март куни соат 11.00да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1«А»-уйда ўтказилади.

Аукцион савдоси шу куни ўтказилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2015 йил 6, 20 апрель, 4, 18 май, 1, 15, 29 июнь, 13, 27 июль, 10, 24 август кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдолари натижалари бўйича ғолиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб 20 кундан кечикмай олди-сотди шартномаси тузилади.

Талабгорлар давлат активи бошланғич нархининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда олдиндан Савдо ташкилотчиси «Ko`chmas mulk savdo xizmati» МЧЖнинг қуйидаги банк реквизитларига закалат пулини тўлашлари лозим: АИТБ «Ипак йўли» Сағбон филиали, ҳ/р: 20208000904920609114; МФО: 01036; СТИР: 207122519.

Аукционда қатнашишга буюртманома қабул қилиш билдиришнома эълон қилинган санадан бошланади ва билдиришномада кўрсатилган аукцион савдоси ўтказиладиган куни савдо бошланишидан уч соат олдин тамом бўлади.

Аукционда қатнашиш учун савдо ташкилотчисига талабгор ёки унинг вакили аукцион ўтказиш тўғрисидаги эълонда белгиланган муддатларда шахсан ёки почта бўйича қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда аукционда қатнашишга буюртманомани икки нусхада тақдим этади:

— юридик шахслар учун давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

— жисмоний шахслар учун паспортнинг нусхаси, аукционда тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

— аукцион тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхасини топшириш лозим.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1«А»-уй.

Маълумотлар учун телефонлар: (0-371) 228-84-48. Факс: (0-371) 228-80-23.

Электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz. Интернет тармоғидаги веб-сайт; www.1kms.uz, www.gki.uz, www.gkitorg.uz.

Ҳурматли тадбиркор ва ишбилармонлар! Савдоларни ўтказиш жараёнида қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқларингиз бузилган тақдирда Давлат рақобат қўмитасининг (0-371) 259-21-37 рақамли Ишонч телефонига зудлик билан хабар беришингиз сўралади!

Савдоларга марҳамат қилинг!

«NEW ESTATE ACTION» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан такроран аукцион савдосига қуйидаги мулклар қўйилмоқда:

1. 2014 йил 17 январдаги 478/15-сонли ижро ҳужжатига асосан, Тошкент шаҳри, Бектемир тумани Олтинтопган, Ж.Остонов кўчаси 4-уй манзилида жойлашган: ер участкасининг умумий майдони 3704,0 кв.м., бўлган «Мотор цехи» биноси.

Бошланғич баҳоси – 565 985 462,04 сўм.

2. 2014 йил 17 январдаги 477/15-сонли ижро ҳужжатига асосан, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани Чилонзор 30 – мавзе, Гулистон кўчаси 5 «А»-уй манзилида жойлашган: ер участкасининг умумий майдони 275,0 кв.м., бинонинг умумий майдони 641,0 кв.м., фойдали майдони: 550,19 кв.м. бўлган «Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси».

Бошланғич баҳоси – 499 630 073,31 сўм.

3. 2014 йил 17 январдаги 461/15-сонли ижро ҳужжатига асосан, Тошкент вилояти, Паркент тумани «Экскаваторний» боғдорчилик-узумчилик ширкати манзилида жойлашган: ер участкасининг умумий майдони 600,0 кв.м. бўлган «39-сонли дала ҳовли».

Бошланғич баҳоси – 23 940 905,44 сўм.

4. 2014 йил 17 январдаги 464/15-сонли ижро ҳужжатига асосан, Тошкент вилояти, Паркент тумани «Олмос» боғдорчилик-узумчилик ширкати манзилида жойлашган: ер участкасининг умумий майдони 600,0 кв.м. бўлган «8-сонли дала ҳовли».

Бошланғич баҳоси – 17 193 050,50 сўм.

Аукцион савдоси 2015 йил 27 февраль куни соат 12:00 дан бошлаб ўтказилади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш (соат 10.00 дан соат 16.00 гача), аукцион бошланишидан бир кун олдин тўхтатилади. Савдога қўйилган кўчмас мулк билан талабгорлар тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «NEW ESTATE ACTION» МЧЖнинг АИТБ «Ипак йўли» Миробод филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт, ҳ/р: 20208000104995394001, МФО: 01101, ИНН: 302373151. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, М.Таробий кўчаси, 31-уй. Тел: 254-69-13. Хизматлар лицензияланган:

Лицензия: RR-0148.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ва «ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (371) 232-11-39. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 225-хона.

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **24 февраль** куни ҳаво ўзгариб туради, вақти-вақти билан ёмғир ёғиб, кечқурун қорга айланиши эҳтимоли мавжуд. Ғарбдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси ва кундузи — 5-7 даража илиқ, кечқурун — 2-4 даража пасайиши мумкин.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **24 февраль** ва **25 февраль** эрталаб Тошкент шаҳрининг обҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

Тошкент оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95, факс: (371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

ISSN 2010-1228

Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz

Буюртма Г- 255

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 12863 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул Д. Исроилов

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Босишга топширилди: 18.10

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ